2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

9 (559)

2007 йил 28 февраль

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

саҳифада

2 ▶ Ҳазрати Имом масжиди «яшармоқда»
▶ 37 тўйбола «Нур»да тўпланди

3 ▶ Ғурумсаройлик ғолиб катта лейтенант
▶ Юраги иккита, лекин севгилиси ягона одам

4 ▶ Шохрухиянинг тарихи ва тақдири
▶ Қурувчиларнинг «қурама» атамаси

Бўлимларда сарҳисоб ва режа

ИНСОН ҚАДРИ "МАҲАЛЛА" ФАОЛИЯТИ МЕЗОНИ

Шу кунларда бўлиб ўтаётган "Маҳалла" жамғармасининг жойлардаги бўлимлари раёсат йиғилишларида бўлимларнинг ўтган йилдаги фаолияти сарҳисоб этилаяпти.

Тошкент шаҳри

"Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раёсат йиғилишига тизим ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, илғор маҳаллалар оқсоқоллари таклиф этилди.

Йиғилишда бўлим бошқаруви раиси Р.Нодиров маъруза қилди.

— Ўтган "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурининг изчил бажарилишида жамғарманинг бўлим ва бўлинмалари ходимларининг муносиб улуши бўлди, — деди маърузачи. — Жумладан, тизим ходимлари томонидан пойтахтимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва меҳр-мурувват ишларига 681 миллион 574 минг сўм маблағ сарфланди. Хусусан, кам таъминланган ва ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқароларнинг мурожаатлари инобатга олиниб, уларга бўлим томонидан 102 миллион 566,8 минг сўмлик ҳайрия маблағлари ажратилди. Шунингдек, турли саналар муносабати билан маҳаллаларда байрам тадбирлари ўтказилиб, эҳтиёжманд инсонларга 2006 йил давомида 548 миллион 995 минг сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак маҳсулотлари тарқатилди. Шундан 254 миллион 38 минг сўми ҳомийлар улушига тўғри келади.

Бинобарин, маърузачи шаҳарда амалга оширилган ободончилик ва бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам тўхталиб, ўтган йил давомида шаҳарда 18 та маҳалла гузарлари фойдаланишга топширилганини ҳам мамнуният билан қайд этди.

* * *

Бухоро вилояти

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раёсат йиғилишини бўлим бошқаруви раиси Б.Жумаев кириш сўзи билан очди.

Нотиқ "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан маъруза қилди.

Давоми 2-саҳифада

Совлом она — совлом фарзанд

"МЕҲР НУРИ"нинг САВОБЛИ ЮМУШИ

Пойтахтимизнинг Ҳувайдо номли маҳалласидаги 39-оилавий поликлиника капитал таъмирланиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангач, яна иш бошлади. Ушбу савобли юмуш "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан амалга оширилди.

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялашдек эзгу, хайрли юмушларга жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир.

"Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан қайта таъмирланган оилавий поликлиникада турли йўналишдаги шифокорлар кўрик хонаси билан бирга, тиббий текширув учун янги лаборатория, ультратовуш ускунали ташҳис, стоматология, хотин-қизлар шифокори кабинетлари, кундузги стационар, тренажёр, болалар хоналари мавжуд. Эндиликда поликлиника яқин ўртадаги маҳаллаларда яшовчи ўттиз мингдан ортиқ аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатади.

Поликлиникага тезкор тиббий ёрдам учун мўлжалланган ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган "Дамас" автомашинаси топширилди.

Март — юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

Андижон вилояти

Вилоятда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги қизғин давом этаётир. Аҳоли ўзлари яшаб турган шаҳар ва қишлоқ маҳаллаларининг кўча ва йўлларини яна ҳам серфайз ҳамда гўзал қилиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Бўлиб ўтаётган ободонлаштириш сафарбарликларида меҳнат жамоалари, кекса отахонлар ва онахонлар, талабалар — ҳамма-ҳамма фаол иштирок этмоқда.

— Биз Андижон туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Чўнгбоғиш маҳалласида юксак кўтаринкиликнинг гувоҳи бўлдик, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раисининг ўринбосари Комилжон Аҳмаджонов. — Чунки бу маҳалла аҳли Наврўз байрамига ҳозирданоқ пухта ҳозирлик кўриб қўйишга эришдилар. Маҳалланинг кўчалари равон, деворлари оқланган, ариқлари тозаланган, йўл четларига гуллар экилиб, тошлар терилиб, чиройли қилиб қўйилган. Асака туманидаги Илғор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Занкан маҳалласида ҳам қабристонлар тартибга келтирилган, деворлар оқланган, дарвозалар бир хил рангга бўялган.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

* * *

Тошкент вилояти

Юқори Чирчиқ тумани Бордонкўл қишлоқ фуқаролар йиғини раиси А.Набиев бошчилигида атроф-муҳитни тозалаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бўйича "Тошкент — Ғазалкент" трассаси бўйида экилган 500 туп терак ва 2000 тупдан ортиқ манзарали дарахтларнинг таналарини оқлаш, шохларини буташ ва тагини юмшатиш ишлари фуқаролар йиғини аҳолисининг қўмаги билан ниҳоясига етказилди.

— Халқимиз одатларига хос бўлган тадбирлар, қабристонлар, маҳалла гузари, хиёбонлар, кўча ва йўлакларни тартибга келтириш, қабристонларни тозалашдан ташқари, кам таъминланган оилалар, ногирон кекса, боқувчисини йўқотган фуқаролар хонадонларида фарзандларимиз билан ҳашар уюштириб, уларга моддий ва маънавий кўмак бериб, хонадонларини тартибга келтириш учун ёрдамлашяпмиз, — дейди Қайтмас маҳалласи оқсоқоли Тўрабек Шербоев.

Гулчеҳра САФАРБОЕВА

Бухоро вилояти

Қадим ва ҳамиша навқирон Бухорога ҳам фасллар келинчаги баҳор ташриф буюрмоқда. Бир неча кун олдин қатор вилоятларда ёғиб ўтган қор ҳам Бухорони четлаб ўтди. Эрта тонгдан қуёш ўзининг ҳароратли нурларини аямай сочаяпти.

Минораи Калон, Чор Минор, Чор Бакр, Масжиди Калон, Ситораи Мохи Хоса, Арк каби асрлар бағридан эртак сўйлаб турган тарихий обидаларнинг ғиштин деворларига баҳорнинг заррин нурларидан илиқлик инди.

... Бухорони гуллар шаҳрига айлантирайлик. Бу бухороликларнинг шиори. Шу шиор остида вилоятда йилнинг тўртта фаслида ҳам ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади. Бу йил ҳам Бухоро аҳли баҳорни кутмай, обҳавонинг бироз илиши билан шундай хайрли ишларни бошлаб юбордилар.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Саййид Мир Кулол, Исмоил Сомоний, Хўжа Исмат каби буюк зотлар ҳоки пойлари ётган зиёратгоҳлар, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш, давлат ва жамоат ташкилотларининг бинолари атрофи аллақачон фасли баҳорни кутиб олишга шайлаб қўйилди.

Гарчанд ташқарида қишнинг аёзи андак сезилиб турган бўлса-да, у бухороликлар кўнглида яшариш ва янгиланиш фасли баҳор муносабати билан уйғонган хайрли ва савобли ишлар қилиш ҳаракатини сўндира олгани йўқ. Аксинча, Юртбошимизнинг "Наврўз" умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги Қарори вилоят аҳолисининг ғайратига ғайрат қўшди. Куни кеча вилоят фаоллари ушбу фармон ижросини таъминлаш масаласида маслаҳатлашиб олишган бўлса, бугун бухоролик деҳқонлар яна саноқли кунлардан сўнг беполён далаларга қадаладиган барака уруғларининг сифатини кўздан кечириш ва экиш мавсумини қисқа фурсатда сифатли якунлаш мақсадида Ғиждувон туманида йиғилдилар.

Ҳамроз АЛИ

* * *

Қорақалпоғистон Республикаси

Об-ҳавонинг қулай келиши муносабати билан Нукус шаҳрида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтган йиллардагига нисбатан эртароқ бошланди.

Бу борада ариқ-зовурларни тозалаш, сув етказиб бериш бошқармасининг 70 кишилик жамоаси намуна бўлаяпти. Улар мавжуд 420 километр узунликдаги ариқ-зовурлардан режадаги 128 ўрнига 201 километрини икки марта тозаладилар. Шундай қилиб, шаҳарни сув билан таъминловчи "Қизкетган" ва "Шоликор" каналларига ўрнатилган 20 та электр насослари орқали чиқарилган сувнинг равон оқиши таъминланди. Куни кеча Кукузак маҳалласига ҳамда Ғишт заводи қўрғонига ҳам электр насослари ўрнатилиб, аҳолини сув билан узлуксиз таъминлаш имкони туғилди.

Асил БЕК

2007 йил моҳияти: Тошкент — ислом маданияти пойтахти

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА

Ислом КАРИМОВ:

...Биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин.

(Мамлакатимиз Президентининг "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсидан)

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм. Муқаддас Ислом динининг арконлари диёримиз мусулмонлари томонидан ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мамлакатимиз Ислом дунёсида муносиб ўрин эгаллаган. Шу боисдан миллий қадриятларимиз билан исломий қадриятлар уйғунлашиб кетган. Дарҳақиқат, барчага маълум ва маъруфдирки, ислом маданияти бизнинг диёримизда асрлар оша чуқур илдиз отган. Бунинг исботини юртимиздаги осори-атиқалар, диний асарлар, ҳунармандчилик ва урф-одатларимиз мисолида кўришимиз мумкин. Аллоҳга беадад шукрки, 2007 йил Ислом Конференцияси ташкилоти (ИКТ) таркибидаги таълим, фан ва маданият масаласи бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан жонажон Ватанимиз пойтахти — Тошкент ислом маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Бу эътироф бутун юртимиз мусулмонларини чексиз қувонтирди, қалбларини фахр-ифтихор туйғусига тўлдирди.

Давоми 2-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

ҚАРОРИ

Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида

Энг қадимий ва асл миллий қадриятларимиздан бири бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар учун том маънодаги умумхалқ байрамига айланди. Наврўз руҳи ва фалсафаси одамзотни табиат билан уйғун яшашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан айниқса эътиборлидир.

Кейинги пайтда бу байрамни барча ҳудуд ва минтақаларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 128-қарорида белгиланган тартибда, маҳаллий иқлим ва табиий шароитдан келиб чиққан ҳолда, катта шодиёна билан нишонлаш яхши анъанага айланиб бормоқда.

Бу йилги Наврўз байрамини ҳам ҳар томонлама юксак даражада, уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтказиш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида:

1. Мустақиллик куни ва Наврўз умумхалқ байрамларини ташкил этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Наврўз байрамини ҳамда байрам томошаларини ўтказиш билан боғлиқ ташкилий, маданий-маърифий ишлар дастурини, жойларда жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика "Маҳалла" жамғармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда жойларда байрам тадбирларини халқ сайиллари ва оммавий спорт ўйинлари шаклида ташкил этиш, уларда аҳолининг кенг қатламлари иштирок этишини таъминлаш мақсадида турли кўрик-танловлар уюштирсин;

ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирларни ташкил этсин;

байрам тадбирларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада хонандаларини танлов асосида жалб этсин;

муҳим саноат иншоотлари ва ижтимоий объектларни Наврўз умумхалқ байрамигача ишга туширишни ўз вақтида тугаллаш учун тегишли тадбирларни белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг "Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 2003 йил 13 январдаги 15-қарори талаблари асосида Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш учун жойларда жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

5. Республика "Маҳалла" жамғармаси, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамда жамоатчилик вакилларининг 2007 йил март ойида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ҳамда 10-11 март кунлари умумхалқ байрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Маҳаллаларни ободонлаштириш, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, хусусан, "Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва бошқа ихтисослаштирилган муассасаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш ва уларни зарур асбоб-ускуналар, инвентарлар билан жиҳозлашга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида вазирликлар, идоралар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхоналар, ташкилот ва муассасалар ишчи-хизматчиларининг "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ҳисоб рақамларига бир кунлик иш ҳақи миқдорида маблағ ўтказиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Р.Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси, Ўрмончилик илмий-тадқиқот институти маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш ва янги боғ-роғлар барпо этиш учун зарур бўлган манзарали ва мевали дарахт кўчатларини тегишли ташкилотларга буюртма асосида ўз вақтида етказиб беришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг қўламда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 февраль

— Яна нима дейсиз?
— Бугун олимпиа жамоамиз бўш келмаса керак-а...

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 0019 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

Газета сайтида материаллар ўзбек (лотин графикасида) ва рус тилида берилмоқда.

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайеурган афзал.

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Йиғилишда ютуқ ва камчиликлар кўлами кенглиги рақамлар орқали ифода этилди. Хусусан, йил давомида аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида вилоят бўйича 154 млн. 322 минг сўм, маҳаллаларда ўтказилган турли тадбирлар, кўрик-танловлар, ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари учун 161 млн. 593 минг сўм, хайрия тадбирларига 73 млн сўм, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш мақсадида 9 млн. 250 минг сўм, эҳтиёжманд оилалар фарзандларини соғломлаштиришга 7 млн. 500 минг сўм, кексалар ва фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга 44 млн. 110 минг сўм маблағ сарфланган.

Маърузада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳақида ҳам сўз юритилди.

* * *

Тошкент вилояти

Айни пайтда вилоятда 1458 та фуқаролар йиғинлари фаолият юритмоқда.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими ҳамда бўлинмаларининг ушбу йиғинлар ишини мувофиқлаштириш билан бирга аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда ёш авлоднинг маънан ва жисмонан соғлом қилиб вояга етишларига зарур шароит яратиш борасида хизмати эътирофга сазовор.

"Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг раёсат йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Бўлим раиси К.Шодиметов 2006 йилда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури доирасида қўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Хусусан, вилоятда 264,8 миллион сўм миқдоридаги маблағ айнан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган.

Тадбирда 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилидаги устувор вазифалар тўғрисида ҳам сўз борди.

МУХБИРИМИЗ

Ҳаракат дастури — амалда!

ҲАМ ЎҚУВ, ҲАМ МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва маслаҳатчиларининг ҳисобот-сайловлари бўлиб ўтганидан буён қарийб тўққиз ойга яқин вақт ўтди. Ушбу вазифага янги сайланган йиғин мутсаддилари ўтган вақт мобайнида маҳалла ишини ташкил этиш борасида маълум малака ва кўникмага эга бўлдилар. Ўз навбатида қайта сайланган оқсоқол ва маслаҳатчилар ҳам ўтган муддатдаги фаолиятларидан хулоса ясаб, иш бошладилар.

Тўғри, маҳалла бошчиси учун ташкилотчилик, ташаббускорлик ва фаоллик ниҳоятда зарурий жиҳат. Турли вазият ва муаммолар билан юзлашган оқсоқол айнан шу жиҳатларни иш тажрибаси давомида ўзлаштириб бориши, табиий. Бироқ, маҳалла ишининг кенг қамровлилигини, яъни аҳоли фуқаролар йиғинларига турли масалалар юзасидан мурожаат этишини ҳисобга олсак, йиғин раиси ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, қўйингки, барча соҳаларда билимдон бўлиши давр талаби эканлиги аён бўлади.

Аввал хабар берганимиздек, айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан тасдиқланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир 2007-2008 йилларга мўлжалланган ҳаракат Дастури"га асосан жойларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) учун ташкил этилаётган ўқув-семинар машғулотлари ҳам айни шу мақсадларни кўзда тутади.

Яқинда Тошкент ва Сирдарё вилоятларида ҳам шундай ўқув-семинарлар бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар давомида оқсоқоллар нафақат турли соҳадаги билимларини мустаҳкамлаш ва малакасини оширишга, балки ўз фаолиятида дуч келадиган турли муаммолар ечимини топишга ҳам ҳаракат қилаяпти.

Жумладан, Тошкент вилоятида ўқув-семинарлар тўртта ҳудуд — Янгийўл, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Қибрай ва Оққўрғон туманларида ташкил этилиб, машғулотларда вилоятдаги 1458 та фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этди.

Маълумки, Тошкент вилоятидаги бир нечта туманлар қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу ҳолат ўз навбатида ушбу чегара жойларига туташ фуқаролар йиғинлари раислари фаолиятига қўшимча масъулият юклайди. Яъни бундай қишлоқ ва маҳаллаларда фуқароларнинг паспорт тизимига қатъий амал қилишини назорат қилиш, ҳар қандай шубҳали шахсларни назардан қочирмаслик, огоҳликка қаратилган турли тадбирлар, жумладан, мунтазам навбатчиликлар ташкил этиш талаб этилади. Қолаверса, сарҳадга туташ маҳаллаларда жамоатчилик назоратини кучайтиришга эҳтиёж катта. Ўқув-семинар машғулотлари давомида Тошкент вилоятилик оқсоқоллар ушбу масалага алоҳида қизиқиш билан ёндошдилар.

Сирдарё вилоятида айни пайтда 349 та фуқаролар йиғинлари фаолият юритаяпти. Уларнинг раислари ва маслаҳатчилари Гулистон ва Янгиер шаҳарлари, Оқолтин ҳамда Сирдарё туманларида ташкил этилган ўқув-семинар тадбирларига таклиф этилди.

Машғулотлар давомида йиғин ходимлари турли мавзуларда маърузалар эшитдилар. Маърузачилар билан қизғин мулоқотда бўлиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ўқув давомида маълум бўлдики, сирдарёлик оқсоқолларни асосан коммунал соҳадаги ислоҳотлар, тажрибалар, ушбу соҳа ходимларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги қизиқтиради. Демак, шу ўриндаги муаммолар мавжуд. Жумладан, ўқув иштирокчилари жойларда айрим хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базаси мустаҳкам эмаслиги, маҳалла ҳудудидаги тозалик ҳолатини сақлашда ширкатларнинг иштироки сезилмаётганини қайд этишди. Шундан сўнг мутахассислар томонидан бу муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан йўл-йўриқ ва тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, ўқув давомида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини ҳаётга татбиқ этиш жараёни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ва ташкилий асослари, маҳаллаларда аҳоли бандлиги масаласи, касаначиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва имкониятлари, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури мазмун-моҳияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Ф.БЎТАЕВ

Тошкент шаҳри

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг муносиб турмуш кечириши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, давлатимиз томонидан юритилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатида ижтимоий таъминотидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг жамиятдан узилиб қолмаслигига эришиш кўзда тутилади.

Шуда ҳомийлар кўмагида эҳтиёжманд оилаларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани қувонарли ҳол. Мирзо Улуғбек туманидаги "Нур" кафесида бўлиб ўтган хайрия тадбири ҳам юртдошларимизга хос шундай ғамхўрлик амунаси бўлди. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ташаббуси билан ҳудуддаги кам таъминланган оилаларнинг 37 нафар фарзандларига суннат тўйи ўтказилди.

Маросимда сўзга чиққан туман ҳокими Ш.Иргашев Ижтимоий ҳимоя йилидаги хайрли ишлар кўламини ҳомийларимиз кўмагида янада кенгайтириш лозимлигини айтиб ўтди.

Тадбирда болажонларга зар чопонлар кийдирилиб, турли совғалар улашилди. От-аравада кўча бўйлаб сайр қилиш ва машҳур хонандаларнинг ташрифи болаларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, уларни бепул хатна қилишни таъминлаш мақсадида тумандаги 14-болалар шифохонасига йўлланмалар берилди.

МУРУВВАТ ТЎЙГА АЙЛАНДИ...

Болалар спорти: муваффақият, муаммо ва ечим

Жиззах вилояти

ИШТИЁҚИ КАТТА КИЧКИНТОЙЛАР

Ҳозирда вилоятимизда жами 190 та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 28079 нафар бола тарбияланмоқда. Шундан 18990 нафар кичкинтой турли спорт тўгаракларига жалб этилган.

Тарбия даргоҳларида жисмоний тарбия йўриқчиси фаолиятининг йўлга қўйилгани яхши самара бермоқда. Айни кунда 107 нафар йўриқчи мураббийлигида кичкинтойларимиз спортнинг бадиий гимнастика, мини футбол, волейбол, баскетбол, кураш, таэквандо, шахмат, шашка каби турлари бўйича завқ-шавқ билан шуғулланишмоқда. Болалар боғчаларида спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. Кичкинтойлар ўртасида "Соғломжон-полвонжон", "Омад" спорт мусобақалари, шахмат турнири ҳар йили ўтказиладиган анъанавий тадбирлардан. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кичкинтой болажонларнинг спортга қизиқиши, ғалабага интилиши катталарникидан кам эмас. Масалан, тарбияланувчиларимиздан Ғаллаорол туманидан Элбек Тўйчиев, Даштободдан Синдор Суюновлар республика миқёсида ўтказилган шахмат турнирида қатнашиб, рағбатлантирувчи ўринларни эгаллашга муяссар бўлишди. Уларнинг бу муваффақиятларини кўрган киши маънавий ва жисмонан баркамол авлодни тарбиялаётганимиздан руҳланиб кетади.

Вилоятимиз миқёсида ўтказилган "Омад" спорт беллашувларида Жиззах туманидаги "Дилноза", Дўстлик туманидаги "Бинафша", Ғаллаорол туманидаги "Бошоқча" мактабгача тарбия муассасалари совринли ўринларни қўлга киритиб, республика миқёсидаги беллашувларга йўлланма олишди.

Вилоятда спортнинг бадиий гимнастика турини ривожлантириш борасидаги ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Чунки спортнинг бу тури билан шуғулланишни инсон жуда кичиклигидан бошлаши талаб этилади. Шу сабабли ҳам гимнастикани ривожлантиришни мактабгача тарбия муассасалариданоқ бошлаш зарур. Вилоятдаги 20 та мактабгача тарбия муассасасида бадиий гимнастика бўйича махсус тўгараклар ташкил этилиб, уларга 200 нафар 3-7 ёшли жажжи қизалоқ жалб этилган. Балки уларнинг барчаси келажакда бадиий гимнастика устаси бўлиб етишмас, лекин уларнинг руҳиятида олға интилиш, ўзига нисбатан талабчанлик, ғалабадан фахрланиш туйғулари шаклланиши, жисмонан соғлом бўлишлари шубҳасиз. Биз учун энг муҳими ҳам ана шудир.

Гулчеҳра ОРИФЖОНОВА,
вилоят ХТБ мактабгача таълим муассасалари бўйича бош мутахассиси.

Самарқанд вилояти

ЗАРБАНДда ЎЙИНГОҲ БЎЛАДИ

маҳалладошлар шундай ниятда

Маҳалламиз мактабларида таҳсил олаётган 800 нафардан зиёд ўғил-қизлар спорт билан шуғулланиш учун шарт-шароит йўқлигидан азият чекишарди.

Негаки, ушбу мактабларда қишки спорт заллари мавжуд эмас. Ҳатто очиқ ҳудуддаги спорт майдончалари ҳам талабга жавоб бермайди. Шу сабаб маҳалла ёшлари бўш вақтларида Зарбанд фуқаролар йиғини Бозорбой қишлоғи ҳудудидаги майдонда тўп тепиш билан машғул бўларди. Қишлоқлараро футбол беллашувлари ҳам шу ерда ташкил этиларди.

Яқинда йиғин фаоллари билан кенгашиб, замонавий ўйингоҳ барпо этиш ташаббуси билан чиқдик. Иштихон тумани ҳокимлиги қароримизни қўллаб-қувватлади. Натижада ўйингоҳ учун 2 гектар ер ажратилди. Айни пайтда маҳалламиз ёшлари ўйингоҳ ҳудудини ҳашар йўли билан ободонлаштириш ишларини бошлаб юборишган. Галдаги вазифа эса футбол, волейбол, баскетбол майдонлари учун дарвоза, тўр, устун сингари махсус мосламалар ўрнатишдан иборат. Бу борада Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман бўлинмасининг моддий кўмагига умид боғлаяпмиз. Қолаверса, маҳалладошларимиз орасидан ҳам ҳомийлар топилиши, шубҳасиз. Ўйлайманки, тез орада бу юмушлар ҳам ниҳоясига етиб, замонавий ўйингоҳ зарбандлик ёшлар ихтиёрига топширилади.

Убайдулла ТУРДИЕВ,
Иштихон туманидаги Зарбанд маҳалласи оқсоқоли.

Тошкент шаҳри

Йиғинда ёшлар ҳаёти

Пойтахтдаги Ёшлик талабалар шаҳарчасида ҳаёт қайнайди, чунки унда замонамизнинг илғор, интилувчан, ташаббускор ёшлари ҳам яшаб, ҳам билим олмоқдалар. Бу ёшларни уюштириш, яшаш ва ўқиш шароитларини яхшилаш борасида ҳудуддаги Зиё маҳалласи йиғини ходимларининг ҳам ҳиссаси бор.

ЗИЁ ОҒУШИДАГИ ТАЛАБАЛАР

уларнинг маънавий камол топишида маҳалланинг ўрни бор

Зиё — мустақиллик йилларида янги тузилган маҳаллалардан. Турган гапки, маҳалла аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади, яъни 5690 нафар аҳолининг 3980 нафари талаба-ёшлардан иборат. Шу боисдан уни ёшлар маҳалласи деб аташ мумкин. Маҳалла ҳудудида 14 та талабалар турар-жойлари, 14 та аҳоли яшайдиган кўп қаватли уй ва хонадонлар жойлашган. Бундан ташқари Республикамизда кўзга кўринган олий таълим муассасалари, жумладан, Тошкент давлат техника университети, А.Авлоний номли халқ таълими раҳбар ходимларининг малакасини ошириш марказий институти, Тошкент маданият коллежи, Кино-видео коллежи, Ахборот технологиялари академик лицейи, Глиэр номли мусиқа академик лицейи, "Сеҳриё" хусусий мактаби, талабаларнинг республикамизда ягона "Маънавият ва маърифат маркази" ва бошқа бир қанча ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бу ердаги спорт майдончаси ҳам ҳамиша ёшлар билан гавжум.

Йиғин ҳудудида қатор маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, нонвойхоналар ва деҳқон бозори бор. Йиғин ходимларининг, айниқса, маҳалла оқсоқоли Усмон ака Мансурхўжаевнинг саъй-ҳаракатлари билан ёшлар маҳалла ҳаётидаги ҳар бир тадбир ва воқеадан хабардорлар, ҳеч бир юмушдан четда туришу киши кимё фанлари номзоди, доцент — таълим-тарбия соҳасида кўп йиллар ишлаб, бу борада катта тажрибага эга инсон. Усмон ака 70 ёшдан ошиб қолган бўлса-да, маҳалла фаолиятини йўлга қўйиш борасида тиниб-тинчимайди, ҳар ишга бош-қош.

— Маҳалламизнинг ўзига хос жиҳати, яъни бу ерда ёшларнинг кўплиги биздан алоҳида ҳушёрликни талаб этади, — дейди йиғин раиси. — Ёшлар билан маънавий-ахлоқий тарбия борасида яқиндан ишлаш фаолиятимизнинг асосини ташкил этади, десам муболаға бўлмас. Ёшлик — бебошлик деган гап бор халқимизда. Ёшларимиз билимга чанқоқ, интилувчан ва атрофдаги воқеа-ҳодисаларга ўта қизиқувчан ҳам бўлишади. Уларнинг бу салоҳиятини тўғри йўналтириш, турли диний оқимлар, гиёҳвандлик деган балолардан уларни сақлаш бизнинг бурчимиз. Бу борадаги ишларни амалга ошириш, турли маданий-маърифий, тарбиявий тадбирларни ташкил этишда ҳудуд профилактика нозири, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси, посбонлар, қолаверса, таълим даргоҳлари мутасаддилари билан ҳамжиҳат ишлаймиз.

Айни кунларда йиғин ходимлари ва оқсоқолини алоҳида тараддуд билан юрган ҳолда учратиш мумкин. Сабаби, Ёшлик талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги кўмаги билан яқинда маҳалла йиғини ўз ишини янги қурилган идора биносида давом эттиради.

Талабаларнинг турар-жойида уларнинг яшаши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Зоҳиджон ЖЎРАЕВ,
"Маҳалла" жамғармаси Ёшлик талабалар шаҳарчаси бўлинмаси мутахассиси.

Ушбу мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди. Лойиҳа номи: «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ—24-сонли «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини амалга ошириш жараёни мониторинги».

2007 йил моҳияти: Тошкент — ислом маданияти пойтахти

ИСЛОМ МАДАНИЯТИДА ЯНГИ САҲИФА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифда шундай деб марҳамат қилганлар:

"Кимки бирор кишини яхши ишга далолат қилса, унга ўша яхшиликни бажарганнинг савоби берилади".

Бундан маълум бўладики, бизнинг асримизгача ислом маданияти ривожига турли кашфиёт ва илм-фан ютуқлари билан ҳисса қўшган олим ва уламолар Аллоҳнинг наздида кўпдан-кўп ажру савобларга эга бўлар эканлар. Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Имом Термизий, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний каби мўътабар, билим соҳибларининг илм-фаннинг турли соҳаларидаги бебаҳо илмий ва маънавий меросларини тўла маънода оламшумул аҳамиятга моликдир.

Шу ўринда мозийга бир назар ташлашни ўринли деб биламан. VII асрда Арабистон ярим оролида Ислом дини пайдо бўлди, аста-секин бошқа ўлкаларга тарқала бошлади. VIII аср бошларида диёримизга Ислом дини кириб келди. У аста-секин маданият ва маънавиятнинг барча соҳаларига сингиб борди. Албатта, бу ўз навбатида, Ўрта Осиё маданияти тарихида янги давр, янги саҳифанинг шаклланишига, хусусан, маданиятнинг муҳим қисмлари бўлмиш илм ва маънавиятнинг умумий йўналишига таъсир кўрсатди.

Маълумки, Ислом маданияти зоҳирий ва ботиний кўринишга эга. Зоҳирий деганда, масжид-мадрасалар, маросим ва турли тадбирлар тушунилади. Ботиний маданият деганда, ҳар бир инсоннинг имон-эътиқоди, дунёқараши, хулқ-атвори ва ўзгалар билан бўладиган муомаласи каби маъноларни англаймиз. Зоҳирий маданиятда ҳам, ботиний маданиятда ҳам диёримиз доимо пешқадам бўлиб келган. Тошкентни чиндан ҳам исломий маданият бешикларидан бири десак, сира муболаға бўлмайди. Зеро, шаҳримиз кутубхоналарида нодир қўлёзма ва нашр қилинган китоблар кўз қорачиғидек асраб келинмоқда.

Буни Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси мисолида ҳам кўрсак бўлади. Бугунги кунда бу хазинамизда 25 мингдан ортиқ турли қўлёзма ва босма асарлар мавжуд бўлиб, энг нодири Ҳазрат Усмон (р.а) Мусҳафидир. Бундан ташқари, Имом Фахриддин Ҳасан ибн Мансур Ўзгандийнинг "Фатавойи Қозихон", Абу Муҳаммад Ҳусайн ибн Масъуд ал-Форс ал-Бағавий томонидан тўпланган "Мишкот ал масобиҳ" ҳадислар китоби каби тарихий қўлёзма асарлар ҳам мавжуддир. Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, Тошкент ислом университети ва бошқа олий ўқув даргоҳларида ҳам Ислом маданиятига оид жуда кўп нодир асарлар сақланмоқда. Уламо ва олимларимиз олдида турган галдаги вазифа, уларни ҳар томонлама ўрганиб, таржима қилиб, ҳаётга татбиқ этишдир. Шунингдек, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона, Тошкент каби шаҳарлардаги тарихий обидалар, яъни масжид ва мадрасалар, уларнинг шарқона нақшу битиклари ва маҳобати ҳам ҳар қандай кишини лол қолдиради. Яна шуниси қувонарлики, ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган миллий меъморчилигимиз анъаналари бугунги кунда замондош усталаримиз томонидан давом эттирилмоқда. Истиқлолимизнинг илк кунларидан бошлаб, муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан таъмирланган Бухородаги "Масжиди Калон" ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Самарқанддаги "Шоҳи Зинда", Қаршидаги "Кўкгумбаз", Навоийдаги "Қосим шайх" ва қайта қурилган Имом Бухорий мажмуаси, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Мансур Мотуридий каби буюк алломаларимизнинг мақбаралари фикримизнинг ёрқин далилидир. Тошкентда "Жаҳон маданияти ёдгорликлари" рўйхатига киритилган Бароқхон, Кўкалдош мадрасалари, Қаффол Шоший, Шайх Ҳованд Тоҳур, Юнусхон, Зангиота ёдгорлик мажмуалари мавжуд.

Ҳазрати Имом мажмуасининг ҳар бир обидаси бугун қайта яшармоқда, жумладан, Бароқхон мадрасаси ҳам.

Бугунги кунда Тошкент шаҳрининг марказий маҳаллаларидан бирида жойлашган қадимий Ҳазрати Имом (халқ тилида Ҳастимом) мажмуасининг, яъни Қаффол Шоший мақбараси, Бароқхон ва Мўйи муборак мадрасалари (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонаси жойлашган бино), Тилла Шайх ва Номозгоҳ масжидлари (Тошкент ислом институти жойлашган бино) ҳукуматимиз томонидан қайта таъмирланаётгани ва унга қўшимча равишда янги иншоотлар барпо этилаётгани пойтахтимизга берилган олий мақом мақсади билан ҳамоҳангдир. Яқинда эса Давлатимиз раҳбарининг "Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш" тўғрисидаги Қарори Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилингани бежиз эмаслигининг яна бир далили ва унга амалий жавоб бўлиб, ҳукуматимиз томонидан исломий қадриятларимизни асраб-авайлашга қаратилаётган эътиборнинг нақадар юксаклигини кўрсатади. Бу эса ўз навбатида шу ерда ишлаётган барча кишиларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшди десак, муболаға бўлмайди. Иншоаллоҳ, бу қурилиш ишлари битгач, Ҳазрати Имом мажмуаси пойтахтимиз кўркига янада кўрк қўшиб, гўзал диний-маърифий марказга айланади.

Наманган вилояти

Поп туманидаги Меликўзи Умрзоқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини Ғурумсарой маҳалласи милиция таянч пункти профилактика инспектори Музаффар Ҳайдаров "Намунали милиция таянч пункти" республика кўрик-танловининг совриндори бўлди.

МУКОФОТГА МУНОСИБ НОЗИР

Ҳеч бир ютуқ ўз-ўзидан келмайди, албатта. Бунинг учун кечаю кундуз фаол ишлаш керак. Катта лейтенант Музаффар Ҳайдаров уч йилдан буён Ғурумсарой маҳалласи осойишталигини таъминлаш йўлида ғайрат билан ишламоқда. Маҳалладаги ҳар бир хонадон ҳақида аниқ маълумотлар йиғилган. Одамларнинг деярли барчасини яхши билади.

— Маҳалламизда 2224 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди оқсоқол Тўхтасин Хўжаев. — Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида, ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкиллашда ҳамкорлик қиламиз. Профилактика нозиримиз одамлардан тушадиган турли саволларга сира эринмасдан, батафсил жавоб қайтаради. Ҳар бир масалага жиддий муносабатда бўлади. Ўтган йилда маҳалламизда биронта ҳам жиноят содир этилмади. Ўз ишига жонкуяр нозирнинг фаолияти юқори баҳоланганидан биз ҳам жуда хурсандмиз.

Яқинда қишлоқ фуқаролар йиғинида кўрик-танлов ғолиби шарафига йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, полковник Талъат Сатторов, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи, полковник Мусохон Оппоқов ҳамда Поп тумани ҳокими Рустам Исматуллаевлар қатнашди.

Ҳозирда вилоятда 395 та милиция таянч пунктлари иш олиб бормоқда. Ғурумсарой тажрибаси эса бир неча ой муқаддам кўргазмали семинар тарзида оммалаштирилган эди.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ:
ҲИММАТЛИЛАР — ҲАМКОРИМИЗ

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам амалдаги йилнинг Юртбошимиз томонидан Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши ғоят мамнуният билан қабул қилинди.

— Ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг мантиқий ва узвий давоми — Ижтимоий ҳимоя йили бошланган кунданоқ муҳтож оилаларга, ногиронларга ёрдам кўламини янада кенгайтиришга киришдик, — дейди Тўрткўл тумани ҳокими ўринбосари Аминбой Эшниёзов. — Чунки ўтган йили бундай хайрли ва саховатли юмушда катта тажриба тўплаганмиз. Жумладан, 2006 йил давомида 4000 дан ортиқ оилаларга моддий кўмак берилди, ҳомийлар ёрдамида 260 оилага қорамол топширилди. 12 киши ногиронлик аравачаси билан таъминланди. 50 нафар фахрий бепул йўлланма билан сиҳатгоҳларда дам олиб, даволандилар. Марказдан анча олисда жойлашган Пахтаобод, Эломонов номли овулларда қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

Амалдаги йилда эса ижтимоий ҳимоя тадбирлари янада қизғинлашади. Бу борада мамлакатимиз Президентининг ушбу йил 23 январдаги "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарори асосида аниқ режалар тузиб, фаолиятимизни шу асосида йўлга қўямиз. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилиб, 28 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

Қораузак ва Тахтакўпир туманларида кам таъминланган 61 оилага ёрдам кўрсатилиб, 2 нафар ногиронга махсус аравачалар топширилди.

Кегейли туманидаги умум ўрта таълим мактабларида ўқиётган кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 6,5 млн. сўмлик кийим-кечаклар, Нукус тумани мактабларидаги 128 нафар ўқувчига спорт анжомлари инъом қилинди. Тахиатош шаҳридаги махсус болалар интернатида тарбияланаётган 40 нафар кўнгли ўксик жажжи ўғил-қизлар қимматбаҳо совғалар билан сийланди.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Оқсоқол кўнглида нима гаплар бор?

Қашқадарё вилояти

«ЯХШИ ФАОЛИЯТ — ЯХШИ КАЙФИЯТ»
— дейди Хонтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Файзулла ака

Қарши шаҳридаги Хонтепа маҳалласи номининг келиб чиқиши ҳақида эл орасида шундай гап юради. Айтишларича, бу ерлар қадимда хонлар макони бўлган экан. Маҳалла атрофида ҳозирга қадар жуда кўп тепаликлар, ғорлар сақланиб келаётгани шундан далолат. Уларда яширинган сирлар муфассал ўрганишни талаб қилади. Негаки, ғор ва тепаликлар ўз вақтида ҳарбий машқлар ўтказиш, душманлардан сақланиш учун хизмат қилган, деган тахминлар бор. Хонтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Файзулла МАМАНОВ бизга бу ҳақда қисқача ҳикоя қилиб бергач, оқсоқол билан маҳалланинг бугунги муаммолари ва муваффақиятлари хусусида суҳбатлашдик.

— Шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган йиғилиш ва тантаналарда маҳаллангизга "Бойлар маҳалласи" деб алоҳида сифат беришади. Бу шунчаки ҳазилми ёки...

— Албатта, бундай дейилишига маълум даражада асослар бор. Чунки маҳалламизда яшайдиган аҳолининг 40 фоизини ўзига тўқ оилалар, ташкилотлар раҳбарлари, 40-45 фоизини фермерлар, тадбиркорлар ташкил этади.

— Ана шундай ўзига тўқ хонадон аъзолари истиқомат қилаётган маҳаллада ҳам сув, газ, электр энергиясидан қарздорлар борлиги кишини ажаблантиради. Буни қандай тушуниш керак?

— Аслида, коммунал тўловлардан қарздорликни бартараф этиш жиҳатидан шаҳарда кейинги ўринларда эмасмиз. Лекин бу соҳадаги аҳвол жуда мақтанарли ҳам эмас. Мен сизга айтсам, ўртамиёна яшайдиган оилалар қарздорликка йўл қўймасликка ҳаракат қилишади. Шундай ҳол рўй берган тақдирда улар учун биз томондан биргина илтимос ёки огоҳлантириш кифоя. Афсуски, баъзи бир ўзига тўқ, халқ тилида айтганда, бойларимизга эса бу ҳақда қайта-қайта мурожаат этишга тўғри келади. Ана шундай ҳолатда кишида икки хил фикр туғилади. Улар қарзларини узишга ўз вақтида фурсат топа олмайдилар ёхуд бунга нописандлик билан қарайдилар.

— Энди ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида маҳаллада олиб борилган ибратли юмушлар, муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— 2006 йилда ҳам асосий эътибор кишилар мушкулини енгиллаштиришга, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга, тозалик, ободонлаштириш масалаларига қаратилди. Аҳолини кўпроқ нима қизиқтиради? Шубҳасиз сув, газ, электр таъминоти. Электр таъминотини яхшилаш мақсадида ҳар бири 90 миллион сўм турадиган 2 та трансформатор, 4 та қўшимча газ тақсимловчи пункт ўрнатилди. 3,5 километр масофага газ қувури ўтказилди. 3,5 километр узунликдаги йўл таъмирланди. Маҳалла гузарида дорихона, фитобар, тикувчилик цехи, милиция таянч пункти ишга туширилди. Почта ташкил этилди, телефон тармоғи олиб келинди. Тозалик, ободончилик соҳасида ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди. 6700 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Саховатпеша инсонлар ҳиммати билан эҳтиёжманд оилаларга 1 миллион 400 минг сўмлик миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон махсулотлари тарқатилди.

— Ижтимоий ҳимоя йилидаги режалар янада катта, хайрли бўлса керак?

— Жорий йилдаги энг катта мақсадимиз маҳалла гузари қурилишини давом эттириб, тўй-ҳашамлар ўтказиладиган чойхона, кичикроқ бўлса ҳам бозор қуриб олиш. Шунингдек ушбу йилда 5,2 километр масофадаги йўл капитал ва жорий таъмирланади. Кўчаларга ёритгичлар ўрнатиш, сув ҳавзаси, чиқинди сувларни чиқариш станциясини ишга туширишни ҳам режалаштирилган. Қани эди шу йил маҳалла врачлик пунктини қуриб, ишга тушира олсак, электр энергияси, сув, газ билан узлуксиз таъминланишига эришсак. Ижтимоий ҳимояга келсак, кам таъминланган оилалар, беморлар, қарияларга табақалаштирилган ҳолда аниқ ёрдам кўрсатиш, уй-жой қуриш учун ер ажратиш, янги иш жойлари ташкил этиб, маиший хизмат, озиқ-овқат дўконлари очиш мақсадимиз бор. 7 та тикиш цехи ишга тушади, касаначиликка эътибор кучайтирилади. Доимгидек ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масаласи диққат-эътиборимизда бўлади.

— Хонтепада аҳолини қийнайдиган энг долзарб муаммолар сифатида нималарни таъкидлайсиз?

— Энг долзарб муаммо бу юқорида эслатиб ўтганимдек, маҳалламизда врачлик пунктининг йўқлиги. Айни вақтда маҳалладошлар касал болаларини кўтариб, 2-3 транспортга ўтириб, 10-15 километр узоқдаги шифохонага боришади.

Биласизми, шаҳар ҳокимлиги бунга етарли эътибор берса, муаммони дарҳол ҳал этса бўлади. Чунки, маҳалламизда ҳар бири 110 ўринли 2 та болалар боғчаси бор. Уларда атиги 30-35 нафардан бола тарбияланади. Нахот уларни бирлаштириб, иккинчисини врачлик пунктига айлантириш, ҳеч бўлмаганда, улардан 3-4 хона ажратиш шунчалар мушкул бўлса?! Бу ҳақда шаҳар ҳокимлигининг махсус фармойиши ҳам бор. Афсуски, бу иш ижросини баъзи юқори ташкилотлар пайсалга солишаяпти. Иккинчиси — чиқиндилар муаммоси. Шахсий транспорт воситалари ёрдамида бу масаланинг ечимини топиш жуда мушкул. Келган трактор хонадонлар билан ўзаро келишган ҳолда ахлатларни йиғиштиради. Сўнг иккинчи маҳаллага ўтиб холироқ жойни топиб, уни шу ердаёқ ағдаради. Иккинчисидан тўпланган чиқинди учинчи маҳалладан жой топади. Ана шундай ҳолатда қандай қилиб тозаликка эътибор бериш мумкин?! Тошкент маҳаллаларида бўлиб, шу соҳадаги тажриба билан ўртоқлашдик. Пойтахтда ҳар бир маҳаллага махсус машина ажратилган. Бизда ҳам имкон топиб, ана шу иш билан шуғулланадиган коммунал хўжалик хизматини йўлга қўйиш вақти етмадимикан?

— Оқсоқолликнинг ғам-ташвишлари бисёрлиги равшан. Унинг ўзига яраша гашти ҳам бўлса керак?

— Ҳар қанча уринишу ҳаракатларга қарамай, йўл қўйилган камчиликлар, хатоларга ўз вақтида барҳам бериш имкони топилмаганда ва кимдандир эшитилган таъна кўнгилни қанчалар хуфтон қилгани сингари, кичик бўлса ҳам совғасалом олиб кириб, кўнгли чўккан, бетоб қария ёки соғин сигир етаклаб кириб, кўп болали, қаровчисиз оиланинг раҳматини олиш оқсоқолнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Ўйлайманки, жорий — Ижтимоий ҳимоя йилида ана шундай қувончли кунлар яна ҳам кўпроқ бўлади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ
суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган "Ташаббус — 2007" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ниҳоясига етди.

Унда уч йўналишда йигирмадан ортиқ номинация бўйича ғолиблар аниқланди. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Энг яхши бизнес-лойиҳа", "Энг яхши пахтакор фермер", "Энг яхши ғаллакор фермер", "Тадбиркорларга кўрсатилган энг сифатли хизмат учун", "Экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаргани учун" каби ўнлаб номинацияларда жами 46 нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

"Энг яхши ҳунарманд" йўналиши бўйича нукуслик касб устаси Ибраим Жўлимбетов биринчи ўринни эгаллади. Барча ғолиблар қаторида унга ҳам "Ташаббус — 2007"нинг мамлакат босқичига йўлланма берилди.

Б.АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида 300 нафардан зиёд қаршиликлар сайёҳлик поездида пойтахтга сафар қиладилар.

"ЯСМИНА ТУР"ДАН ЯНГИ ЛОЙИҲА

Бу саёҳат "Ясмина тур" сайёҳлик фирмаси, Хусусий сайёҳлик ташкилотлар ассоциацияси ҳамда "Ўзбекистуризм" миллий компанияси ҳамкорлигида ташкил қилинади. Унда қаршилик хотин-қизлар ва уларнинг оила аъзолари Тошкентга келиб, уч кун мобайнида махсус ишлаб чиқилган дастур асосида маданий ҳордиқ чиқаришга муваффақ бўладилар.

— Ушбу тадбир компаниямиз томонидан бир қатор давлат, жамоат ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда Ижтимоий ҳимоя йилига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар доирасидаги янги лойиҳадир, — дейди "Ясмина тур" сайёҳлик фирмаси директори Саидаҳмад Раубаев. — Саёҳат дастурига кўра, сайёҳларни "Ла гранд Плаза" меҳмонхонасига жойлаштириш, Ўзбекистон тарихи ва Темурийлар тарихи музейига, Хастимом мажмуи, Кўкалдош мадрасаси, Тошкент телеминораси ҳамда Миллий театрга олиб боришни режалаштирганмиз.

Маълумотларга қараганда, бундай сайёҳлик поездлари йил давомида Қаршидан ташқари, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон ва Қўқон шаҳарлари марказларини ҳам пойтахт билан боғлайди.

Манба: UzReport.com

Олам турфа

ҚАДИМГИ "ЭЛЕКТРОНИКА"

Ҳозир ҳар қандай одам ҳам аэропортларда металл буюмлар бор-йўқлигини аниқлаш учун ўрнатилган қурилмани энг сўнгги замонавий ихтиролардан бири деб айтади.

Лекин хитойлик олимлар эса бундан йигирма икки аср илгари Чан-Ян шаҳрида бундай қурилма (ҳозирги Сиань) бор эди, деб таъкидладилар. У ерда сарой олдидаги дарвоза магнитли темирдан қурилган бўлиб, бирорта ҳам одам бу дарвозадан яширин равишда қурол олиб ўта олмаган. Кўринмас куч пичоқ ёки қилични кийимлар остидан-да суғуриб олаверган, соқчилар бўлса жиноятчиларни тўппа-тўғри зиндонга ҳайдашган.

КАСКАДЁРЧИ ХАЧИР

Австралияда Уольтер Митчел исмли фермер ажойиб сакрашни амалга оширди.

У ўзининг севимли Нукси лақабли хачирини миниб, юзлаб томошабинлар кўз ўнгида чуқурлиги 24 метр бўлган дарага сакраган.

Дарага "қўниш" тўла муваффақиятли ўтган. Митчел мухбирларга бу сакрашга узоқ вақт тайёргарлик кўрганини ва садоқатли Нуксини бунга ўргатганини айтган. Бу ерда жасоратдан ташқари ғоят аниқ ҳисобга олиш ҳам лозим эди. Довюрак фермер хоҳловчиларга бу трюкни яна қайтаришини айтган.

ИККИ ЮРАКЛИ КИШИ

Жузеппе де Маи исмли киши бирор нарсадан хурсанд бўлса, "икки марта" қувониши, мабодо қайғурса "икки марта" қайғуриши керак эди.

Бечора, бирор қизни "Сизни чин юракдан севаман" деёлмасди. Гап шундаки, де Маининг иккита юраги бор. Бу ҳаётда камдан-кам учрайдиган воқеадир. Лондон тиббиёт академияси икки юракли Жузеппега вафотидан сўнг, унинг жисми учун 10.000 фунт стерлинг бермоқчи эканлигини айтган.

Қишлоқ фуқаролар йиғинларида

Сурхондарё вилояти

ЖАРҚЎРҒОННИНГ ЕТТИ "ҚАНОТ"И
уларга бошчилик қилаётган оқсоқоллар ҳар бир ишни «етти ўлчаб, бир кесади»

Жарқўрғон туманидаги Жарқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳар бир хайрли иш режа асосида бажарилади. Аҳоли турмуш шароитини янада яхшилаш, ёшлар тарбияси, ободончилик, меҳр-мурувват кўрсатиш борасида амалга оширилган ишлар шулар жумласидан.

Фуқаролар йиғинига қарашли еттита маҳаллада қарийб 19 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларда хайрли ишларни бажаришга иштиёқ кучли. Шу боис, фуқаролар ҳудудда ўтказиладиган ҳашарларда фаол қатнашади.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ички йўлларни таъмирлаш масаласи ҳам фуқаролар йиғини мутасаддиларининг доимий эътиборида. Дам, Камар, Кўлдовли, Қирон, Меҳнат-роҳат маҳалларида янги сув насослари қайта ўрнатилиб, об-ҳаёт таъминоти яхшиланди. Ҳудуддаги 20 километр масофадаги йўллар қайта таъмирланди. Камар маҳалласида янги гузар қурилиб ишга туширилди. Айтиш жоизки, маҳаллада аввал электр энергияси таъминотида айрим узилишлар бўлиб турар, бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётган эди. Қишлоқ йиғини раиси Абдурасул Зоиров маҳалла оқсоқоллари билан бамаслаҳат бу муаммони бартараф этиш чораларини кўрди. Шу асосда Камар, Исмоилтепа, Оқтепа маҳаллаларида юқори қувватли трансформаторлар ўрнатилиб, аҳолининг электр энергиясига бўлган талаби қондирилди. Шунингдек, Камарда янги маҳалла гузари ишга туширилгандан сўнг 11 киши иш билан таъминланди. Исмоилтепа маҳалласида 2 та янги тегирмон фаолият кўрсата бошлади. Касаначилик йўлга қўйилиб, Меҳнат-роҳат ҳамда Исмоилтепа, Камар маҳаллаларида яшовчи 19 нафар ишсиз аёллар иш билан таъминланди.

Ўтган йиллар мобайнида ҳудуддаги ёш оилаларга 15 296 метр квадрат ер майдони янги уй-жойлар қуриш учун ажратиб берилди.

Мактаб — маҳалла — оила ҳамкорлиги асосида ўтказилаётган тадбирлар самараси ҳам юқори бўлаяпти. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликларнинг олдини олишда тарғибот ва ташвиқот ишлари қўл келаяпти.

Жарқўрғонлик муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш иши саховатпеша ҳомийлар кўмагида бажарилаяпти. Жумладан, Исмоилтепа маҳалласилик Ашур Бекматов ҳамда Меҳнат-роҳат маҳалласи фуқароси Муаззам Қосимоваларга биринчилар қаторида соғин сигир ҳадя этилишида ҳам ҳомийларнинг хизмати катта бўлди. Шунингдек, Жўра Раҳмонов, Алишер Маматмуродов, Мамарасул Валиев ва "Нуроний" жамғармаси туман бўлинмаси раиси Абдураим ҳожи Ибодуллаевлар ҳам ўз ҳисобидан кам таъминланган оилаларга биттадан қорамол ҳадя этдилар.

Тумандаги Шарқ юлдузи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мамадали Тўрамуродов асосан қишлоқ ва маҳаллалар ободончилиги борасида қайғуради. Йиғинга қарашли маҳаллалар чекка ҳудудда жойлашгани боис, ҳозирга қадар 2975 хўжаликнинг атиги 600 тасига табиий газ етиб борган, холос. Янги усул, Мопар қишлоқларида ўн йилдирки газ йўқ. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга ошириляпти. Боботоғ, Мустақиллик, Халқобод маҳаллаларида артезиан қудуқлари қазилиб, таъминотга шай қилиб қўйилди. Яроқсиз ҳолга келганлари таъмирланди. Тўртта маҳалла аҳолисини тоза ичимлик суви билан доимий таъминлаш учун ўн бешта автоуловлар ажратилган. Халқободда муқим идора биноси йўқ эди. Ширкат хўжалигининг эски идора биноси ҳашар йўли билан таъмирланиб, фуқаролар йиғини идорасига айлантирилди. Маҳаллада эллик ўринли қишлоқ врачлик пункти биноси қурилиб, ишга туширилишида Исроил Искандаров, Омонхон Аҳадов, Ҳалил Хуррамов, Неъматхон Аҳадов, Мардон Жумаев, Абдулло Бердиев сингари фермерларнинг хизмати катта бўлди. Бинобарин, ҳудудда жойлашган 8, 22, 38-ўрта таълим мактаблари атрофини девор билан ўраб олиш ишида ҳам ҳомийлар ташаббускор бўлдилар.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Сўранг, жавоб берамиз

Савол:

ҲАДЯ ҚИЛМОҚЧИ ЭДИ...

Мен Сурхондарё вилоятида, тоғаларим эса Тошкент вилоятида яшайди.

Тоғам иккита турар-жойининг бирини менга совға қилмоқчи ва бу ишни яқин кунларда расмийлаштирмоқчи эди.

Бахтга қарши у шу орада кексалик ва дард туфайли оламдан ўтиб қолди.

Унинг қариндошларга маълум қилиб айтган бу гапи қонуний тус беришга асос бўла оладими?

Жавоб:

ШАРТНОМАСИЗ ҲАДЯ БЎЛАДИ, АММО...

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 504-моддасига мувофиқ, ҳадя қилиш, айни пайтда ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки амалга оширилиши мумкин... аммо бу фақат кўчар мулк ҳадясига тегишли.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Бундан ташқари, Фуқаролик кодексининг 225-моддаси 2-қисмига биноан, биргаликдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчиларидан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб қилинади...

Мазкур кодекснинг 502-моддасида қайд этилишича, ... ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топшириш назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Бундай ҳадяга нисбатан ушбу кодекснинг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланади.

Фуқаролик кодексининг 510-моддасига кўра, ... агар ҳадя шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ҳадя шартномасига мувофиқ ҳадя беришни ваъда қилган шахснинг мажбуриятлари унинг меросхўрларига (ҳуқуқий ворисларига) ўтади.

Тилшуносларимиз ўзбек тилининг турли хусусиятларини очиб бериш, унинг имкониятлари қай даражада эканини исботлашга уриниб, қатор мақола ва илмий ишлар ёзишади. Лекин негадир кўпчиликнинг диққатидан четда қолаётган бир масала бордек назаримда.

ҚУРИЛИШДА... ТИЛИМИЗ БУРРО ЭМАС! НЕГА?

Барчамизга маълумки, кундан-кунга қурилиш материалларининг замонавий турлари кўпайиб кетаяпти. Масалан, шпатлёвка, гипсо-картон, болгарка, колор, обои, грабур, кавралон, ригель, шпон, смеситель, резовер, пеноплен, валик, лазур, пластик, фуга... ва ҳоказо. Ҳаттоки, сув ва газ ўтказувчи "папа-мама"лар ҳам бор. Бу сўзларни қурувчи усталаргина тўлиқ тушуниши мумкин. Қурилиш материаллари дўконларига кириб қолсангиз, ўзбекча атамаларни учратишингиз қийин.

Ваҳоланки, мазкур номларнинг ўзбекча муқобил вариантлари ҳам бўлиши керак-ку.

Айниқса, кўп ҳолларда бу атамалар ҳеч қандай муқобил ватиантларсиз, тўғридан-тўғри муомалага кириб кетавераді. Улар олдин эллик ёки юзтадан иборат бўлса, эндиликда бир неча баробарга кўпайиб кетди. Демак, ўз-ўзидан ўшанча сўз тилимизга кириб келди. Нутқ маданияти ва тилнинг қонун-қоидаларига биноан муқобили бўла туриб, чет сўзларни ишлатиш мавжуд меъёрларнинг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари, турли атамаларни эсда сақлаб қолиб, улардан фойдаланиш табиий равишда катта ёшдаги кишиларга қийинчилик туғдиради. Чунки атама ўзбекча бўлса, табиийки, унинг тузилиши, бажарадиган вазифасига қараб номланади ва шу боис тезда эсга келади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, уста келиб, таъмирлашда керак бўладиган бир нечта қурилиш ашёларининг номини уй эгасига ёзиб беради (агар уни ёзмаса, ҳаммасини ёдда сақлаб қолиш мушкул, албатта). У бозорга чиқиб, бирини тушуниб, бирини тушунмай, зарур материалларни олиб келишда адашиб кетиши мумкин.

Тилшунослар қурилиш материаллари атамаларининг луғати устида ҳам бош қотириб кўришса, ёмон бўлмасди. Негаки, қурилиш материалларининг аксарияти чет сўзларда номланса, тилда чўлтоқлик бўлиши кундай равшан. Бу соҳада ишлатиладиган сўзларсиз эса, тилимизни тасаввур қилиш қийин бўлса керак.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Соҳилдаги қалъа шаҳар

БАНОКАТ ва ШОҲРУХИЯНИНГ ЎТМИШДАГИ ТАҚДИРИ

Ўрта аср араб географ олимлари ва сайёҳлари ҳамда тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Тошкент воҳасининг қадимий карвон йўлларида кўплаб мудофаа деворлари, қалъалар, қўрғонлар, шаҳарлар, карвонсаройлар, работлар, сардобалар бўлган. Афсус, буларнинг деярли ҳаммаси вақт ўтиши билан турли сабабларга кўра вайронага айланиб, харобалари тупроқ остида қолиб кетган ва асрлар давомида номаълумлигича қолиб, олимлар томонидан ўрганилмаган.

Банокат ва Шоҳрухия мана шундай тупроқ остида қолган шаҳарлардандир. Қадимий Банокат Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойидаги карвон йўли ёқасида жойлашган. Банокат шаҳри бундан икки минг йил аввал асосий савдо йўли бўлиб хизмат қилган Сирдарё соҳилида жойлашган бўлиб, географик жиҳатдан қулай қалъа сифатида милодий I асрда бунёд этилган. Тадқиқотчиларнинг илмий хулосаларига кўра, дастлаб унинг мудофаа девори бўлмай, атрофидаги дарё ва жарликлар табиий мудофаа воситаси вазифасини ўтаган.

Кейинроқ, яъни V-VI асрларда шаҳар буржли мустаҳкам мудофаа девори билан ўралган. Банокат шаҳри ҳудуди 22 гектар бўлиб, арки тахминан бир гектарни эгаллаган. Шаҳар IX-X асрларда айниқса тез ривожланиб, ҳудуди кенгаяди, кўплаб турар-жой биноларі, карвонсаройлар, ҳунармандчилик, савдо иншоотлари қурилади. Бу даврда қурилган биноларнинг кўпи пишиқ ғиштдан бўлиб, уларнинг ички ва ташқи томони ҳашамдор қилиб зийнатланган, ҳовлиларида ҳовузлар бўлган, сув махсус сопол қувурларда келтирилган. Шаҳар ва қалъага ташқи ҳужумларга қарши муҳим чоралар кўрилган.

XII-XIII асрларга келиб, шаҳар ҳудуди 140 гектарга кенгайган; у Арк, уч шаҳристон ва работдан иборат бўлган.

Қадимшунос олимлар томонидан ўтказилган қазишмалар вақтида топилган қадимий ашёларга кўра, шаҳар аҳлининг кўпчилиги ҳунармандчилик, хусусан, кулолчилик, темирчилик, шишасозлик, қайиқчилик, сополчироқлар, пилта тайёрлаш, эгар-жабдуқлар, камон ясаш, заргарлик, деҳқончилик, боғдорчилик билан шуғулланиб келган. Булардан ташқари аҳоли чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан ҳам шуғулланган. Шаҳар атрофларида савдо дўконлари, сопол идишларни пиширадиган хумдонлар, ҳунармандчилик маҳаллалари кўп бўлган. Банокат шаҳри ҳудуди кенгайиб, бу ерга келувчи ҳунарманд ва савдогарлар сони йил сайин орта борган, аҳоли кўпайиб, шаҳарда ҳаёт қайнаган.

Бу даврда шаҳар ҳудудида улкан ерости иншоотлари ҳам бунёд этилиб, унинг усти гумбазсимон қилиб ёпилган, деворларига эса пишиқ ғишт терилган. Ерости қасрининг деворларига чироқдонлар учун махсус токчалар ўрнатилган, унинг ҳашамдор эшиги Шаҳристонга олиб чиққан. X-XI асрларда Банокат шаҳри ҳунармандчилик, савдо ва маданий марказ ҳисобланиб, Ҳиндистон, Хуросон ва Боғдодга қатнайдиган савдогарлар шу шаҳар орқали ўтганлар. Ҳар йили юзлаб, минглаб савдо карвонлари келиб кетадиган бу шаҳарда савдогарлар учун қулайликлар яратилган. Бу ердан ипак, жун ва ипдан тўқилган сифатли газмоллар, турли идишлар, металл, сопол, шиша буюмлар, қуроласлаҳалар олиб кетилган. Шаҳарда ҳунар, савдо, меъморчилик тез ривожланиб, унинг шуҳрати ошиб борган. Араб географ олимлар ва сайёҳлари ал-Истахрий, ал-Муқаддасийлар Банокатни "гуллаётган шаҳар" деб таърифлаган.

Афсуски, 1219 йилда шаҳарни мўғул истилочилари вайрон қилган.

Амир Темур Банокатни Сирдарёни кечиб ўтиш жойидаги энг муҳим стратегик жой, деб баҳолаб, хароба ҳолида ётган қадимий шаҳар ўрнига, янги қалъа-шаҳар қурдиради. 1392 йили бунёд бўлган янги шаҳарни ўғли Шоҳрухнинг шарафига Шоҳрухия деб атайди. Тарихчи Шарофиддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темур томонидан қайта тикланган янги шаҳарга атрофдаги аҳоли кўчирилган. Бу даврда шаҳар атрофи баланд ва мустаҳкам пахса девор билан ўраб олинган ва душман ҳужумига қарши бу ерда барча чоралар кўрилган.

Шаҳар ичи ва ташқарисида боғлар, экинзорлар, гулзорлар яшнаб турган. Темурийлар сулоласининг энг сўнгги вакили Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам Шоҳрухияни муҳим ҳарбий-стратегик нуқта деб ҳисоблаган. XVI-XVII асрларда Шоҳрухия ўзбек хонликлари ичида катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган. Шунингдек, бу ерда хазина, қурол-аслаҳалар омбори, муҳим ҳужжатлар, қўлёзма асарлар ва нодир китоблардан иборат бой кутубхона ҳам бўлган. Шаҳар Темурийлар даврида ҳунармандчилик, савдо ва маданият маркази сифатида ривожланган. Амир Темур ўз лашкарлари билан бу ерда дам олган, ҳарбий машқлар ўтказган. Шаҳар 1461-1463 йилларда ўзаро урушлар майдони бўлган. Шаҳар 1502 йили Шайбонийхон томонидан босиб олингач, талон-тарож қилинган.

XVIII асрга келиб, обод, гўзал ва бой бу шаҳар яна вайронага айланган.

XIX асрнинг 80-90-йилларида шаҳар харобаларида Зацепин, Эварницкий, Андреев, Смирновлар, 1900 йили Бартольд, 1913 йили Кастанье, 1973 йили Буряков, кейинроқ қадимшунос олим Ўткир Алимовлар илмий изланишлар олиб борган.

Изланишлар вақтида мудофаа девори, турар-жой қолдиқлари, мураккаб тизимига эга ер ости йўлаклари, қудуқлар, сопол қувурлар, кулолчилик, шишасозлик устахоналари, хумдонлар, сопол ва шиша буюмлар, ҳунармандчиликда ишлатиладиган асбоблар, тангалар ва бошқа тарихий ашёлар топилган.

Мустақиллик йиллари бу қадимий шаҳар харобалари ўрнида ободончилик ишлари амалга оширилиб, қисман таъмирланди. Шунингдек, бу тарихий жойда Тошкент вилояти Оққўрғон туман ҳокимлиги ҳамда Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси Тошкент вилоят бўлими раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари билан 13 гектарлик боғ барпо этилди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Ҳафта давомида ҳиссиётларингизни жиловлаб, воқеа-ҳодисаларга ҳолис баҳо беришга ҳаракат қилинг. Шанба куни соғлиғингизга жиддий эътибор қаратинг.

СИГИР(22.04-20.05)
Ҳафта мазкур бурж вакиллари учун қизиқарли воқеаларга бой бўлиши кутилмоқда. Чоршанбада ҳамкасблар билан муносабатда бироз зиддиятли вазиятлар юзага келиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Айни кунларда кўпроқ вақтингизни оила аъзоларингизга ажратинг. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ортиқча сарф-қаражатга йўл қўймаганингиз маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Шу кунларда иш юзасидан узоқ сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор. Сизга бўлган ишончни оқлаш учун ишингизга доимо масъулият билан ёндашинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Ушбу ҳафтада анчадан бери сизни қийнаб келаётган саволлар ўз жавобини топади. Улар қандай бўлишидан қатъи назар тушкунликка тушмасликка ҳаракат қилинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Одатдагидай бошланадиган ушбу ҳафта ўрталарига бориб ҳаётингизда катта ўзгариш содир бўлиши мумкин. Жума харид учун жуда қулай кун.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Тинимсиз ишлаганингиз айни кунларда асабларингизни чарчатиб қўйиши мумкин. Шу боис ўз вақтида дам олишни ўрганганингиз маъқул.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Мазкур буржнинг савдо-сотиқ билан шуғулланувчи вакиллари учун ҳафта жуда омадли келиши кутилмоқда. Чоршанба эса ижодкорлар учун сермаҳсул бўлади.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Ҳафта давомида оилавий можароларни ҳал қилишга уринманг. Бу ижобий натижага олиб келмаслиги мумкин. Шанба куни олисдаги қариндошларингиз ташриф буюриши эҳтимоли бор.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда молиявий соҳадаги ишларни бир маромда олиб боринг. Жума куни эса қимматли қоғозлар бозорида омад кулиб боқиши мумкин.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ҳафта бошида иш билан банд бўлсангиз ҳам яқинларингиз ҳолидан хабар олишга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунларида дўстлар билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Режалангиз амалга ошмай қолса, бу атрофдагиларга бўлган муносабатингизга таъсир қилмасин. Ахир бугун омадингиз чопмаса, эртанги кун ҳам бор-ку.

Аждодлар меросидан

КАМТАРИНЛИК ҲАҚИДА МАВЪИЗА

(Мавъиза — ваъз-насиҳат, ўгит.)
Сўфи Оллоёрнинг "Сабот ул-ожизин" китобидан изоҳли сатрлар

Кел, эй нафс очмагил кўз ҳар қаёна,
Йўқ эрмиш эътимод ушбу замона.
(Ҳар тарафга нафс кўзингни очма, бу дунёда ҳеч нарсага эътимод (ишонч) йўқ эмиш.)

Агар рутбанг эрур аъло офоқ,
Йиқилҳон хасталарни холина боқ.
(Гарчи мартабанг аълои офоқ (уфқдан аълороқ, ўзингнинг тасаввурингдан ҳам зиёдроқ бўлса)да йиқилган (тўшакда ётган) хаста беморлардан хабар ол, ёрдам бер.)

Агар дунёда бўлса зўр-базў,
Вале анда қуруқлиқдир тарозу.
(Сен дунёда зўрбозу (билаги энг кучли) бўлсанг ҳам, ҳамма жойда тарози қурилган.)

Тараф мўри ва санда қуввати фил,
Мусулмонлиқда анга марҳамат қил.
(Оллоҳ сенга филнинг қувватини берган бўлса-ю, бошқалар мўр (чумоли) сингари бўлса-да, мусулмонлиқ қоидасига кўра, уларга марҳамат қил.)

Агарчи ул оёқ остидадир хор,
Худо махлуқидир, оғритма зинҳор.
(Гарчи оёқ остида хор бўлиб ётган бўлса-да, худонинг махлуқидир у. Унга ҳеч қачон озор берма.)

Такаббур қилмагил, эй бемаони,
Фалони ўғлидурман деб фалони.
(Эй бемаъни, фалончининг ўғлиман деб фалони (хаёлинга келган) ишни қилиб такаббур бўлмагин.)

Агар олдингдаги қул бўлса волий,
Кўнгилни кинасидан айла ҳомий.
(Рўпарангда турган қул агарда волий (ҳукмдор) бўлса, кўнглингнинг кинаси (кек, ўч, кўролмаслик) дан ҳоли қил.)

Ишонма отага, қолма талабдин,
Сўролмасдур қиёматда насабдин.
(Отангга ишониб талаб (Аллоҳга илтижо қилиш, гуноҳлардан кечишни сўраш)дан қолма, чунки қиёматда насабинг кимлиги сўраб ўтирилмайди.)

Ҳасаб фавқи насабўр эй наку ҳол,
Йипак тундин ўтар хўп ишланган шол.
(Эй наку ҳол (ҳоли танг, бадбахт), ҳасаб (ўз меҳнати эвазига қозонилган ном, шуҳрат, обрў) фавқи насабдир (насабдан юқори туради). Хўп ишлаган (пишиқ тўқилган) шол ҳам ипак тўндан ўтар (яхшироқ бўлади).

Чироғиники Ҳақ ёндирди қўйди,
Ани ким "пуф" деди сақоли куйди.
(Ҳақ (Аллоҳ) бандасининг ҳаёт чироғини ёқиб қўйган бўлса, уни "пуфлаб" ўчираман, деган кишининг соқоли куяди.)

Худони сунъидан кўрдинг карашма,
Бир эски ердин оқти янги чашма.
(Кўрдинг, Худонинг ким сунъи (қудрати)дан бир карашма (юзини буриб назар солиши) билан эски ер (саҳро, чўл) дан янги булоқ оқти.)

Ани этгали банд олди бару бил,
Муни ғарқ айлади ногоҳ келиб сел.
(Булоқни банд этиш (эгаллаб олиш, унинг сувини бошқаларга бермаслик) учун отланганларнинг барчасини тўсатдан сел келиб ғарқ айлади.)

Агар тори киши зулм этса тор-мор,
Вале мазлум дуганни савоби ортар.
(Агарда киши тори (қўққисдан) бошқаларга зулм қилса, унда мазлум (зулм кўрган)ларнинг ажри (мукофоти) ортади.)

Тирик юргунча золим ўлгани хўб,
Гинадин ҳар неча кам бўлгани хўб.
(Золим учун унинг тирик юрганидан ўлгани яхшироқ, ҳар ҳолда гуноҳни озроқ қилгани ўзи учун ҳам яхшироқ.)

Изоҳлар муаллифи Ҳусниддин НУРИДДИНОВ.

Қўклам келди...

Танида жони бор мавжудот борки, кўкламни орзиқиб кутади. Деҳқон даласига, боғбон боғига ошиқади, келинчаклар баҳор элчиси бинафшани кўзларига суртади, қизлар толбаргак тараддудига тушади. Онахонларимизни айтмайсизми, майса унди дегунча супра ёйиб, ялпиз сомса тугишга, буғдой ундиришга уннаб қолишади. Бу тараддудлар кўнгилга ором бахш этади, кўзни қувнатади. Мана, бугун ўтиб эртага баҳорнинг биринчи куни. Юртимизнинг жанубий сарҳадларида бодом гуллади, лайлаклар жуфт-жуфт бўлиб учиб келди. Табиатнинг измини кўрингки, пойтахтимиз баҳорни қор билан қаршиламоқда. Ҳадемай қор эриб, пойтахтда ҳам баҳор нафаси кезади...

Рустам ШАРИПОВ олган суратлар.

Кино саньати

ЎЗБЕК КИНОФИЛЬМИ ФРАНЦИЯДА СОВРИНДОР БЎЛДИ

Ўзбек фильмларининг кўплаб нуфузли халқаро кинофестивалларда иштирок этиши анъанавий ҳолга айланиб бораяпти, деб хабар беради "Жаҳон" АА.

Фильмларимиз халқаро кинофорумларда иштирок этибгина қолмай, балки совринларни ҳам қўлга киритмоқда.

Яқинда ана шундай хушхабар Франциядан келди. Франциянинг Везуль шаҳрида бўлиб ўтган ўн учинчи Осиё киносининг анъанавий Халқаро кинофестивалида ёш ўзбек кинорежиссёри Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма" фильми "Ўзига хос мусиқа" йўналишида махсус совринига эга бўлди.

Мазкур кинофорум Осиё киносига бағишланган энг нуфузли кинофестиваллардан бири ҳисобланади. Кинофестиваль дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакати кинематогрофларини бирлаштирди. Томошабинларга ва ҳайъат аъзоларига уларнинг 70 дан ортиқ турли жанр ва йўналишдаги фильмлари намойиш этилди.

Бокс

ЦЗЮГА МАҚБУЛ ЖАНГ СОҲИБИ

бу номга ҳамюртимиз Қувонч Тайганбаев сазовор бўлди

Ўзбекистонлик профессионал боксчиларнинг вакили Қувонч Тайганбаев Бутунжаҳон бокс ташкилоти томонидан Осиё ва Тинч океани минтақаси чемпиони унвони учун ўтказилган жангнинг 8-раундида, 66,68 кг. вазн тоифасида рақиби — қозонлик боксчи Ахмед Олиговни техник нокаут ҳолатига туширириб, ғалаба қозонди.

Бу билан Қувонч ўзининг WBO Asia-Pasific унвонини сақлаб қолди ва Костя Цзю кубогини ҳам қўлга киритди.

— Қувончнинг жанги бошқаларга нисбатан менга кўпроқ ёқди, — деди Константин Цзю ғолибни муборакбод этаркан. — Мен уни турнирнинг энг яхши ўйинчиси деб тан оламан.

Эслатиб ўтамиз, ушбу жанг "Костя Цзю Халқаро кубоги"нинг II босқичи доирасида Екатеринбургда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан ташқари, АҚШ, Уганда, Украина ва Россиядан 9 нафар спортчи иштирок этди.

Манба: Press-uz.info

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан А.Икромов туманида жойлашган "Абдулла Қодирий вақфи" жамғармасига 2001 йил 29 ноябрда берилган 2075-рақамли лицензия амал қилиш муддати тугаганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ТСЖ "Паркент-коммунал" Хамзинского р-на г.Ташкента перерегистрируется в ТЧСЖ "Паркент-коммунал" (ИНН 205549493, ОКОНХ 90190). Претензии принимаются в течении 2-х месяцев Т: 169-24-21

ООО "ZAMIN-DIZAYN", (код по ОКПО 20808000) зарегистрированное в Мирабадском р-не г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев по адресу: Мирабадский р-н, ул. Ф.Нарходжаева, дом 17, кв.5

Утеренная круглая печать выданная ЧП "Алимходжаев Патхиддин Вахидовичу" Сергелийского р-на считать недействительным.

ТСЖ "Rebus" (код по ОКПО 17778985) Мирабадского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев со дня публикации по тел: 153-51-12

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ХТБ га қарашли 23-умумтаълим мактаби томонидан 1999 йилда Нурманов Нурмат Сайловович номига берилган O'R Sh 002818 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Каримов Х.М. номига берилган TV № 005298 серияли гувоҳнома N 172725984-69-2 рақамли Тошкент вилояти Янгийўл тумани Давлат кадастр бошқармасидан 2002 йил 27 май "Ишлаб чиқариш цехи бино ва иншоотлари" Янгийўл тумани, Самарканд кўчасига берилган йўқолганлиги сабабли бекор қилинсин.

Утерянный патент вид деятельности розничная торговля № 01-00639 (реестр 0102175) выданный 23 июня 2005 г. на ЧП "Ахмеджанова Бахрома Бахтиёровича" считать недействительным.

Тошкент ш. ТАТУ томонидан 2004 йилда Бўриев Жасур Тўлқинович номига берилган 008-сонли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Ҳамза тумани "ОАКС" уй-жой мулкдорлари ширкати (УМШ) "ОАКС" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати (ХУМШ)га айлантирилади. Даъволар муддати икки ой. Т: 196-74-80

ТСЖ "Мехнатчи коммунал" (ИНН 205546086) Хамзинского р-на г.Ташкента переобразуется в ТЧСЖ "Мехнатчи коммунал". Правоприемником по всем обязательствам и правам ТСЖ "Мехнатчи коммунал" является ТЧСЖ "Мехнатчи коммунал". Тел: 169-61-74

Утерянный диплом № 246 Я-1-288429 выданный в 1977 году Ташкентским учетно-бухгалтерским техникумом на имя Садыкходжаевой Гульсары Таджиддиновны считать недействительным.

Тошкент шаҳри ТошМИ медицина билим юрти томонидан 1991 йилда Ахмедова Насиба Кўчқоровна номига берилган РТ-I 373276 рақамли (рўй.рақ. 3919) диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

ЧП "USYURTSKOE NEFTGAZSTROYKOMPLEKT" (код по ОКПО 19998774) Яккасарайского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев Т: 153-16-45

Утерянный диплом № 152933 выданный в 2004 г. Узбекским государственным университетом мировых языков на имя Камаловой Гульбахор Реимбергеновны считать недействительным.

ЧП "USYURTNEFTGAZTA'MIR" (код по ОКПО 20807696) Яккасарайского р-на г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течении 2-х месяцев. Т: 54-30-17

Утеренная круглая печать на ЧП "Пяк Эдуард" г.Янгийўла считать недействительным.

ЧФ "Зарафшон Баракат" Чиланзарского р-на сообщает о перерегистр в ООО "Зарафшан Баракат" (код по ОКПО 19094630). Тел: 140-00-07

Ушбу белги остида эълон қилинаётган мақолалар Ўзбекистон Мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоатчилик фонди томонидан ажратилган грант лойиҳаси доирасида тайёрланган.

"Маҳалла" жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқаруви жамғарманинг Амударё тумани бўлинмаси раиси Рустам Рўзметовга отаси **Қозибой РЎЗМЕТОВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таъна Берди ҚУРБОНОВ, Фаррух БЎТАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Мавлуда ҚОСИМОВА (масъул котиб), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 15 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 28 февраль
9 (559)

18260 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-103 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6